



TOSHKENT
FARMATSEVTIKA
INSTITUTI

TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTINING
85 YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN
“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI:
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MATERIALLARI

МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,
ПОСВЯЩЁННОЙ 85-ЛЕТИЮ
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ
ОТРАСЛИ: ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»

ABSTRACT BOOK OF THE 3RD INTERNATIONAL
SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE DEDICATED
TO THE 85TH ANNIVERSARY OF THE
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE
“MODERN PHARMACEUTICS:
ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS”



TOSHKENT - 2022

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI SOG’LIQNI SAQLASH VAZIRLIGI
TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTI**

**THE MINISTRY OF HEALTH OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE**

**МИНИСТЕРСТВО ЗДРАВООХРАНЕНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКИЙ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ**

**TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTINING
85 YILLIGIGA BAG’ISHLANGAN
“FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI:
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR”
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI MATERIALLARI**

**МАТЕРИАЛЫ III МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ,
ПОСВЯЩЕННОЙ 85-ЛЕТИЮ
ТАШКЕНТСКОГО ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА
«СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЙ ОТРАСЛИ:
ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ»**

**ABSTRACT BOOK OF THE 3RD INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND
PRACTICAL CONFERENCE DEDICATED TO THE 85TH ANNIVERSARY OF THE
TASHKENT PHARMACEUTICAL INSTITUTE
“MODERN PHARMACEUTICS: ACTUAL PROBLEMS AND PROSPECTS”**

**«IBN-SINO»
TOSHKENT – 2022**

✧ TAHRIR HAYATI ✧

Rais:

✉ Tibbiyot fanlari doktori K.S.Rizayev

A`zolari:

✍ N.S.Normaxamatov – kimyo fanlari doktori, katta ilmiy hodim

✍ M.T.Mullajonova – farmatsevtika fanlari nomzodi, dotsent

✧ РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ ✧

✉ Председатель:

Доктор медицинских наук Ризаев К.С.

Участники редколлегии:

✍ Доктор химических наук Нормакхатов Н.С.

✍ Кандидат фармацевтических наук Муллажонова М.Т.

✧ EDITORIAL BOARD ✧

✉ Chairman:

Doctor of Medical Sciences Rizaev K.S.

Members of the editorial board:

✍ Doctor of Chemical Sciences Normakhamatov N.S.

✍ Candidate of Pharmaceutical Sciences Mullazhonova M.T.

Toshkent farmatsevtika instituti ilmiy Kengashining 2022 yil 02 noyabrdagi 3-sonli qarori bilan chop etishga tavsiya etilgan.

Рекомендовано к печати решением №3 Ученого совета Ташкентского фармацевтического института от 02 ноября 2022 года.

Recommended for publication by decision No.3 of the Scientific Council of the Tashkent Pharmaceutical Institute dated 02 november, 2022.

таълими ва илм-фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ҳамда 2020 йил 7 апрелдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4666-сонли “Тиббий-санитария соҳасида кадрларни тайёрлаш ва узлуксиз касбий ривожлантиришнинг мутлақо янги тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларга биноан, олий маълумотли тиббиёт ва фармацевт кадрлар учун узлуксиз касбий таълимда 5 йил давомида тўпланадиган кредитлар ҳажми 288 ни, ундан 144 кредит тегишли тиббий таълим муассасалари ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таълим олиш орқали, қолган қисми пуллик асосда йилига 36 кредитдан кам бўлмаган ҳажмда, ўрта махсус маълумотли тиббиёт ва фармацевт кадрлар учун эса кредитлар ҳажми жами -180 та, улардан 144 кедит тегишли тиббий таълим муассасалари ва ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан таълим олиш орқали, 36 кредит семинарлар, конференциялар, вебинарлар, маҳорат дарслари, симуляцион тренинглар, ва бошқа уқув курслари ҳисобидан тўпланаши кўзда тутилган. Қарордан кўзда тутилган мақсад - тиббий-санитария ходимларини касбий ривожлантириш тизимини яхшилаш, соҳада етук ва чуқур билимга эга кадрларни замонавий таълим стандартлари асосида тайёрлаш, тиббиёт ташкилотлари, айниқса бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларини профессионал мутахассислар билан таъминлаш, тиббиёт таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мавқеини оширишдир. Ушбу Қарорларни ижросини таъминлаш ҳамда узлуксиз касбий таълим жараёнида мутахассислар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш тизимини самарали ташкил этиш мақсадида 2020 йил 15 июнда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан 160-сонли “Тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини ташкил этиш бўйича меъёрий ҳужжатларни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги буйруғи тасдиқланди. Буйруқда тиббий-санитария ва фармацевтика кадрлари малака ошириш жараёнига масофавий таълим технологияларини кенг жорий этиш, таълим муассасалари расмий веб-сайтида малака ошириш веб - саҳифасини яратиш ҳамда унда тиббий-санитария ва фармацевтика кадрларини малакасини ошириш билан боғлиқ барча маълумотлар ва янгиликлар кенг ёритиб бориш белгилаб қўйилган.

Тошкент фармацевтика институтининг Фармацевт кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш факультетининг бу борадаги фаолияти ЎЗР ССВнинг 160-сонли буйруғи асосида тасдиқланган ўқув дастурлари негизида изчиллик билан амалга оширилмоқда. Факультетда “Дорихона муассасалари иқтисодиёти ва фармациядаги долзарб муаммолар” ҳамда “Фармацевтика амалиёти долзарб мавзулари” 144 соат (кредит) умумий малака ошириш курслари, “Яхши дорихона амалиёти (GPP) стандартини жорий қилишда дорихоналар фаолиятини ташкил қилиш” мавзули малака ошириш курси– 36 соат (кредит), «Фармацевтика бозорида маркетинг стратегияси ва тактикаси» мавзули малака ошириш курси– 36 соат (кредит), “Жаҳон флорасига кирган доривор ўсимликлар, улардан олинган фитопрепаратлар ва биологик фаол қўшимчалар” мавзули малака ошириш курси– 36 соат (кредит), “Ўрта маълумотли фармацевт ассистентлар учун яхши дорихона амалиёти (GPP) стандартини жорий қилишда дорихоналар фаолиятини ташкил қилиш” мавзули малака ошириш курси– 36 соат (кредит) курслари мавжуд.

КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШДА МАХСУС ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

Байдўллаев А.С., Тайров К.Б.

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси
e-mail: baidullaeva@mail.ru

Долзарблиги: замонавий жамиятнинг асосий соҳаларини рақамли ўзгартириш шароитида янги жараёнлар ва ходисаларнинг инсонга таъсирини баҳолашни ўрганишга эҳтиёж ортиб бормоқда. Талабага ахборот таъсири, унинг турмуш тарзидаги ўзгаришлар, жисмоний соғлиқ параметрлари, ижтимоий кўникмалар билан боғлиқ янги хавф ва таҳдидлар пайдо бўлади, уларсиз ушбу ўқитиш шакли самарадорлиги сезиларли даражада пасайиши мумкин. Мақоланинг мақсади таълимни рақамлаштиришнинг асосий муаммоларни аниқлаш ва таълим соҳасидаги рақамлаштиришнинг истиқболларини аниқлаш ва пайдо бўлаётган рақамли таълим тизимида хавфсиз коммуникатив ва таълим муҳитини яратиш зарурлигини асослашдир.

Тадқиқотнинг мақсади: тадқиқот объекти-таълимни рақамлаштириш жараёни, предмети-ўқув алоқа ва ахборот муҳитида талабаларга махсус таълим хизматларини ташкил қилиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш масалалари.

Усул ва услублар: ушбу мақсадга эришиш учун ижтимоий билиш диалектикаси, фалсафий, социологик, педагогик адабиётларни таҳлил қилиш, ижтимоий-маданий жараёнларни синтез қилиш ва моделлаштириш усулларида фойдаланилди. Коммуникатив муҳитнинг рақамли ўзгариши билан боғлиқ бўлган мураккаб хавфсизликка энг муҳим хавф ва таҳдидлар рақамли таълимни асосий шакл сифатида киритишда ҳисобга олиниши керак бўлган ахлоқий, психологик жиҳатларга нисбатан аниқланади ва тавсифланади. Хатарларни баҳолаш асосида талабалар учун асосий таҳдидларга қарши курашишга қаратилган хавфсиз коммуникатив ва таълим тизимини яратиш концепцияси ва уларнинг олдини олиш чоралари таклиф этилади.

Олинган натижалар: таълим тизимида рақамлаштиришни ривожлантириш истиқболлари қуйидагилардан иборат: instrumental-таълим муассасаларини юқори сифатли дастурий таъминот билан жиҳозлаш, таълим ресурсларидан фойдаланишни таъминлайдиган ахборот тизимлари, ахборот (масофавий) технологияларини жорий этиш, онлайн ўқитиш, ўқитувчилар ва талабалар учун ўзгарувчан талабалар, янги ташкилий таълим

тузилмаларини шакллантириш, ўқитишнинг одатий шакллари ва усулларидаги муқаррар ўзгаришлар; кадрият-базедсемантик – маҳаллий таълимнинг энг яхши анъаналари билан уйғун бирликни топиш.

Хулосалар: таълимни рақамлаштириш жамоатчилик билан алоқаларнинг турли соҳаларини рақамлаштириш давлат сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ амалий масалаларни ҳал қилишга қаратилган. Олинган натижалар замонавий жамиятнинг маданий сиёсатини бошқаришнинг асосий муаммоларига янада объектив ва мазмунли ёндошишга имкон беради. Шу билан билан рақамли таълим доирасида талабалар учун хавфсиз коммуникатив ва таълим муҳити тизимини концептуал ишлаб чиқиш ва кейинчалик амалга ошириш зарурати асосланади.

ПАТОЛОГИК ФИЗИОЛОГИЯ ФАНИДА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА ЛОЙИХАВИЙ ТАЪЛИМНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Бобоева З.Н., Камиллов Ж.Д.

Тошкент тиббиёт академияси, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Лойиҳавий таълим - таълим модели ҳисобланади. Ўқитувчи томонидан лойиҳалаш кўринишга эга, муаммони излаш, уни тадқиқ этиш ва ҳал этиш, муайян, шахсий, ижтимоий аҳамиятга эга натижага эришиш, уни оммавий тақдим этиш, режалаштиришни англлатувчи, мустақил ўқув фаолияти ташкил этилади. Таълим жараёнини самарали ташкил этиш учун дарс лойиҳасини ишлаб чиқиш мобайнида аниқ режа, мақсад асосида унинг натижасини кафолатлаган ҳолда педагогик фаолият шакллантирилади. Ўқув лойиҳавий фаолият шундай иборатки, унда талабалар яқка тартибда ёки гуруҳлар бўйича маълум вақтда берилган мавзуда ўқув тадқиқот ишини бажарадилар. Бу методни қўллашдан мақсад талабаларни изланишга, янги билим олишга ундашир. Таълимнинг ҳар бир босқичи назария ва амалиёт ўртасидаги алоқани таъминлайди. Билим ва малакаларни амалий қўллаш, таҳлил ва баҳолашни назарда тутувчи мажмуали ўқитиш усулини амалга оширади. Талабалар режалаштиришда, ташкиллаштиришда, назоратда, таҳлил қилиш, вазифани бажариш натижаларини баҳолашда иштираётган этаплар ва назарий билимларни амалий вазифаларни ҳал қилишда қўллашга ўрганадилар. Патологик физиология фанидан семинар дарсларни ўтилганда талабалар мавзунини ўзлаштиришда фаол изланиш орқали турғун билим олади. Ўқувчилар турли ахборот манбаларидан мустақил ўқиб ўргангани учун, уларнинг фикрлаш қобилияти шаклланади ва бўлажак шифокор учун зарур бўлган клиник фикрлаш кўникмаси ривожланади.

Фан бўйича “Модда алмашинуви асосий касалликлари этиологияси ва патогенези масалалари”, “ Юрак патофизиологияси” мавзуларидан дарс ўтилганда “Лойиҳалар усули” методини қўллаш дарснинг сифатини, мазмунини яхшилашга ёрдам бери.

Дарс жараёнини бу усулда ташкиллаштириш бир неча босқичда амалга оширилади:

1. тайёргарлик босқичи. Бу босқичда қуйидаги ишлар бажарилади:
лойиҳага киришиш, лойиҳа фаолиятининг ташкил этилиши ва режалаштириш
2. лойиҳани бажариш босқичи. Бу босқич аудиторияда ва ташқари бажарилади. Талабалар қўшимча ахборот манбаларадан фойдаланиб, реферат тайёрлайдилар.
3. якунловчи босқич – бу босқичда лойиҳа тақдимоти ўтказилади. Талабалар реферат асосида тақдимот тайёрлаб, тақдим этадилар.

Шунингдек, дарсда бу усулга ёндош равишда графикли органайзерлар техникасини қўллаш туфайли салмоқли ижобий натижалар кузатилади.

Бу методнинг самарадорлиги:

- талабалар ўз фаолиятини мустақил равишда режалаштиради
- муаммони ечимини топиш учун ижодий изланади
- ўқувчиларда ижодий изланиш орқали фикрлаш қобилиятини ошириш ва ижодий фикрловчи шахсни шакллантиради;
- назарий жиҳатдан ўрганган муаммоли вазият ечимини келгусида қўллаш кўникмаси шаклланади
- тақдимот тайёрлаш жараёнида маълумотни танлаш ва ва тақдим этишни ўрганади

Эришилган натижалар

- талабаларда билиш, ўрганиш, изланиш кўникмаларини, фикрларни мустақил равишда далиллар асосида шарҳлаш кўникмалари мукамал ривожланди
- Талабаларнинг фикрлаш доираси кенгайди, муаммони ҳал қилиш мобайнида дарсликлар, электрон ресурслардан фойдаланиб, мустақил ўқиб ўрганиш самарадорлиги ошди.

ФАРМАЦЕВТИЧЕСКОЕ ОБРАЗОВАНИЕ: ЭТАПЫ ТРАНСФОРМАЦИИ И СОВРЕМЕННЫЕ ВЫЗОВЫ

Ибрагимов А.Г.

Южно-Казахстанская медицинская академия, г.Шымкент, Республика Казахстан

e-mail: aygul_ibr@mail.ru

Актуальность: качество фармацевтического образования и развитие фармацевтической отрасли имеют прямую интеграционную связь. Современные вызовы, такие как пандемии, трансформация фармацевтической

**TOSHKENT FARMATSEVTIKA INSTITUTINING
85 YILLIGIGA BAG'ISHLANGAN
"FARMATSEVTIKA SOHASINING BUGUNGI HOLATI:
MUAMMOLAR VA ISTIQBOLLAR"
MAVZUSIDAGI III XALQARO ILMIY-AMALIY ANJUMANI
MATERIALLARI**



8606

Nashriyot litsenziya raqami 8606. 02.03.2022.

"IBN-SINO" nashriyoti

Format 60x90.1/8. "Times New Roman" garniturası.

Bosishga 15.11.2022. yilda ruxsat berildi.

Raqamli bosma usulida chop etildi. Bosma toboq 24.6. Adadi: 125 nusxa.
Tel.:(99871) 256-37-38 Faks: (99871) 256-45-04. Mob.(99899) 863-16-03.
E-mail: info@pharmi.uz

Bosh muharrir: K.S.Rizayev

Bosh muharrir o'rinbosari: M.T.Mullajonova

Texnik muharrir: S.G' Ashirova

Guvohnoma 10-4273

Toshkent farmatsevtika instituti

"Tahririy-nashriyot bo'limi" bosmaxonasida chop etildi, 2022.

100015, Toshkent shahar, Oybek ko'chasi, 45 uy.